

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ СТОМАТОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ- НИНГ ТАРИХИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Проф. Нигматов Расматулла Нигматович

Ўзбекистон Республикасида стоматология факультети Тошкент тиббиёт институти қошида 1931 йида ташкил этилди. Лекин 1932 йида стоматология факультетини даволаш факультетига қўшиб юборилди. 1935 йида эса қайта ташкил этилиб, уни институтнинг даволаш факультетига курс сифатида киритилди. Лекин давр тақозаси билан стоматология факультетини 3 август 1954 йида алоҳида факультет сифатида қайта тикланди (Расм. 1).



Расм. 1. Тошкент давлат тиббиёт институтининг бош биноси (1957 йил)

Стоматология факультетининг очилишида фаол жонбозлик кўрсатганлар ичида Республика Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг вазири доцент Р.С. Сағатов ва ўша вақтда институт ректори бўлмиш доцент А.Ғ. Ғуламовларнинг хизмати жуда катта бўлган (2-расм).



Расм. 2. Доцент
Абдумалик Ғуломович ҒУЛАМОВ
(1905-1982)



Расм. 3. Доцент
Михаил Владимирович ПАРАДОКСОВ
(1882-1979)

Парадоксов Михаил Владимирович

Шу билан бирга стоматология факультетини очилишида республикада хизмат кўрсатган врач-олим, доцент М.В. Парадоксов ўзининг катта хизматлари билан иштирок этган (3-расм).

Ғуламов Абдумалик Ғуламович - (15.01.1905-1982), тиббий хизмат майори. У Тошкентда туғилган ва яшаган. У тиббий маълумотни Ленинградда олган, кейин Москвада Бутуниттифоқ эпидемиологик тадқиқотлар институтида ишлаган. Тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасига эга эди. Касби бўйича бактериолог. Иккинчи Жаҳон уруши бошланишининг 3-кунида у урушга кетди (06/24/1941) ва 5-зарба армияси таркибиде турли жабҳаларда жанг қилди. Кейин, 1942-43 йилларда у эпидемиология лабораторияси бошлиғи, кейин эса санитария бўлими бошлиғи этиб тайинланди.

Армия жойлашган жойларда шахсан қатнашган ва эпидемияга қарши тадбирларни ўтказган ва тиббий хизмат майори ҳарбий унвонини олган. Ғарбий Фронт таркибидеги хужум операциялари даврида Ғуламов тарқалувчи тиф ва такрорий тифни йўқ қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқди ва шахсан амалга оширди.

1943-44 йилларда унга аскарлар орасида янги касаллик - сарикликнинг (желтуха) моҳиятини очиш топширилди. У СССР ички ишлар халқ контролининг 16-бригадасига юборилди, у ерда касаллик жуда катта тус олган эди ва у 2 ой давомида ушбу касалликни чуқур ўрганиб чиқди, биоматериалларни йиғди ва шу билан бирга профилактика ишларини олиб борди. У фронтнинг санитария-эпидемиология отрядида тўпланган материаллар бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказди ва кейин Москвага Микробиология ва эпидемиология Марказий институтига учиб кетди ва у ерда тажрибаларини тугатди.

Натижада, улар сариклик юқумли касаллик эканлигини ва одамдан одамга юқишини, озиқ-овқат ва сув касалликнинг юқишида роль ўйнамаслигини исботлади. Шунга асосланиб, сарикликнинг олдини олиш бўйича махсус антиэпидемиологик чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Янги касаллик ҳал қилинди.

Бундан ташқари, Ғуламов А.Ғ. бирлашма станцияларида санитария назоратини ташкил этиш бўйича жуда кўп ишларни амалга оширди. Уруш даврида қилинган ишлар, тиф ўчоқларини йўқ қилиш ва сариклик касаллигини очиб беришдаги хизматлари учун А.Ғ. Ғуламов эпидемияга қарши ишларнинг катта энтузиастси сифатида характеристика берилган ва иккинчи даражали Ватан уруши ордени мукофоти билан тақдирланган. Урушдан кейин узоқ йиллар Тошкент тиббиёт институти ректори бўлиб ишлади.

Парадоксов Михаил Владимирович – врач-стоматолог, 1882 йилда туғилган, тиббиёт фанлари номзоди (1931), доцент (1931), Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган шифокор. ТошМИ стоматология факультети асосчиларидан бири. 1917 йилда Варшава университетининг физика-математика факультетини, 1923 йилда ТДУнинг тиббиёт факультетини тамомлаган. 1931 йилда асарлар тўпламига тиббиёт фанлари номзоди илмий даражаси ва доцент илмий унвони («Чакка пастки жағ бўғими анкилози») берилди. Стоматологиянинг турли масалалари бўйича 20 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи - тарихий шарҳлар, казуистия тавсифи, пластик жарроҳликнинг модификацияси, жағ ўсмаларини диагностик даволаш.

1931 йилдан 1963 йилгача - Жарроҳлик стоматологияси кафедраси мудир ва курси доценти, 1956 йилдан 1960 йилгача. – стоматология факультети декани. 6 нафар тиббиёт фанлари номзоди тайёрлади. 1959 йилдан 1965 йилгача Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош стоматолог, Ўзбекистон ССР Бутуниттифоқ стоматологлар жамияти президиуми раисининг ўринбосари. «Жасоратли меҳнати ва 1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши учун» медали ва «Соғлиқни сақлаш аълочилиси» кўкрак нишони билан тақдирланган (4-расм).



Расм. 4. М.В. Парадоксов бошчилигидаги стоматология жамоаси

Тошкент тиббиёт институтидек улкан олий ўқув даргоҳида стоматологияга дахлдор шифокорларнинг бўлмаслиги ЎзР Министрлар кенгаши раиси Усмон Юсуповни ўша пайтда таажжубга солиди ва бу ҳақда институт ректори А.Ғ. Ғуломовга ўз фикрларини билдиради. Ушбу фикр мулоҳазалар Абдумалик акага ҳам маъқул тушган ва ТошМИ қoшida стоматология факультетини ташкил қилиш керак, деган қарорга келади.

А.Ғ. Ғуломов ўша кезлар шу масалада республика раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, улар розилиги билан, стоматология факультетини ташкил қилиш учун зарур мутахассисларни четдан – қўшни республикалардан таклиф қилиш мақсадида Москва Стоматология институтига боради. А.Ғ. Ғуломовнинг ушбу ташрифи Миржамол

Мирёкубовнинг талабалик йилларига, яъни 5-курсда ўқиётган даврига тўғри келиб, тақдирнинг тақозоси билан улар Москва стоматология институтига учрашадилар. Улар институт ректори проф. Г.А. Белецкий хузурига кирадилар. А.Ғ. Ғуломов ташрифининг мақсадини айтгач, Г.А. Белецкий Тошкент тиббиёт институтига ёрдам беришга розилик билдиради. Бир қанча мутахассисларни ҳам ўз хонасига таклиф қилади. Шу тариқа эр-хотин Алексей Терентович ва Маргарита Валерьяновна Бусигинлар ТошМИда стоматология факультети ва кафедраларини ташкил қилиш ишлари учун Москвадан Тошкентга хизмат сафарига, уларга ўқув ишларини ташкиллаштиришга ёрдам сифатида проф. В.Ю. Курляндскийни консультант қилиб юборилади (5-расм).



Расм. 5. Проф. В.Ю. Курляндский томонидан стоматология факультетининг ўқув программасини тасдиқлаш пайти

ИНСТИТУТ РЕКТОРЛАРИ



Академик Зуфаров К.А.
Н.Х.



Академик Орипов У.А.



Проф. Махмудов О.С.



Проф. Шомирзаев



Проф. Каримов Х.Я.



Академик Дампинов Т.О.



Академик Каримов Ш.И.

Бу даврда стоматология факультети деканлари бўлиб ишлаганлар: А.Х. Ходжаев (1954-1955 йй.), В.М. Парадоксов (1956-1960 йй.), А.Т. Бусигин (1960-1962 йй.), Г.Т. Сухарев (1962-1963 йй.), Р.М. Нурмухамедов (1963-1964 йй.), Л.Е. Фролова (1964 г.), В.А. Епишев (1964-1967), М.А. Ашрапова (1966-1967 йй.), Р.М. Нурмухамедов (1967-1968 йй.), Н.К.

Ахмедов (1969-1972 йй.), Р.И. Худайбердиев (1972-1974 йй.), К.Н. Наджимутдинов (1974-1979 йй.), В.А. Епишев (1980-1987 йй.), С.А. Зуфаров (1987-1988 йй.), Ф.Н. Баходиров (1988-1991 йй.), Э.У. Махкамов (1991-1993 йй.), М.И. Азимов (1993-1997 йй.), А.С. Юлдашханова (1997-2006 йй.), Дусмухамедов М.З. (2006–2010); Хабилов Н.Л. (2011–2014).

СТОМАТОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ ДЕКАНЛАРИ



Парадоксов М.В.



Бусигин А.Т.



Сухарев Г.Т.



Нурмухамедов Р.Н.



Фролова Л.Е.



Епишев В.А.



Ашрапова М.А.



Ахмедов Н.К.



Худойбердиев Р.Э.



Нажмутдинов К.Н.



Зуфаров С.А.



Махкамов Э.У.



Азимов М.Н.



Ўзлдошхонова О.С.



Дўсмухамедов М.З.



Хабилов Н.Л.

Стоматология факультетининг ҳар хил йилларда декан мовунлари бўлиб ишлаганлар: У.М. Мирахмедов, В.А. Епишев, В.З. Магзумов, Т.Х. Сафаров, Э.У. Махкамов, Ф.Д. Джуманиязов, А. А. Самединов, С.И. Ибадов, А.А. Зуфаров, К.А. Адиллов, М.М. Абидов, М.В.

Бекметов, Ф.К. Ирисмухамедов, Р.Н. Нигматов, Т.А. Богородицкая, С.С. Агзамхўжаев, А.А. Жилонов, С.М. Муртазаев, Х.П. Камилов, Ш.Ю. Абдуллаев, О.Т. Юлдашев, М.З. Дустмухамедов, С.С. Муртазаев ва бошқалар (6-расм).



Расм. 6. Стоматология факультети декани, проф. К.Н. Нажмутдинов ва стоматология кафедраси ходимлари

Стоматология факультети ташкил этилгандан кейин (1954) Республика Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги қошида бош стоматолог лавозими бириктирилди. Ушбу лавозимда куйидаги устоз-стоматологлар

иш олиб бордилар: Пародоксов М.В. (1959–1965); Фролова Л.Е. (1966–1970); Мазалова Н.Н. (1970–1973); Епишев В.А. (1973–1977); Зуфаров С.А. (1978–1984); Юсупов С.Х. (1985–1991); Зуфаров А.А. (1992–2000);

Агзамхўжаев С.С. (2001–2010); Ғаффоров С.А. (2010–2011); Максумов С.Н. (2011–2015); Хасанов А.И. (2015–2016); Ризаев Ж.А. (2017–2020); Хасанов А.И. (2021–2023) ва Ғаффоров С.А. (2023 йилдан ҳозирги кунга қадар).

Шу даврларда Ўзбекистон республикасининг стоматологлар уюшмасига раҳбар (раис) бўлиб ишлаганлар: Пародоксов М.В. (1959–1963); Фролова Л.Е. (1963–1968); Мирякубов М.М. (1969–1975); Худояров И.А. (1975–1984); Бекметов М.В. (1985–1986); Епишев В.А. (1986–1992).

1992 йилдан бошлаб Ўзбекистон республикасининг стоматологлар уюшмаси Ўзбекистон стоматологлар Ассоциацияси номи билан юритилди. Шунинг алоҳида урғу билан айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон стоматологлар Ассоциацияси Мустақил Давлатлар Бирлашмаси (аввалги СССР) давлатлари орасида биринчи бўлиб алоҳида нодавлат, ношароит ассоциациясини проф. С.А. Зуфаров томонидан ташкил этилди. Ушбу Ассоциация Президентлари бўлиб ишлаганлар: Зуфаров Собиржон Аҳмаджонович (1992–2000 йй.); Нигматов Раҳматулла Нигматович (2000–2015 йй.) ва Хасанов Аҳмад Ибрагимович (2016 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар).

XX асрнинг охириларига бориб стоматология факультетида 28 та тиббиёт фанлари доктори, профессорлар, 120 дан ортиқ фан номзодлари, доцентлар, 80 яқин ассистент ўқитувчилар хизмат қилганлар. Профессор-ўқитувчиларнинг 60% илмий унвонга эга эдилар.

Бу даврларда факультетнинг 5 та курсида жами 1783 та талаба билим олар эди. Машғулотлар ихтисослашган кафедраларнинг даволаш базаларида ўтиларди. Бу базалар Тошкент шаҳридаги энг яхши, обрўли стоматологик поликлиникалари ва илмий-текшириш стоматология марказ (ЎЗР ортопедик стоматологик Марказ, директори проф. М.В. Бекметов)ларидан эди. Булардан Тошкент шаҳридаги 4-, 5-, 7-, 8-, 9- ва 10-катталар стоматология поликлиникалари катта ўрин тутган. Болалар стоматология поликлиникалари ичида 1-, 2-, 4-, 7- ва 11-поликлиникалар талабалар учун ўқув базаси бўлиб, уларда ортопедик стоматология ва ортодонтия бўйича беморларни амалий

жихатдан кўриш, ташхислаш ва ортодонтик ёрдам кўрсатиш бўйича катта мактаб майдони бўлган.

Мустақиллик даврига келиб, стоматология факультети кўплаб чет эл стоматологик марказлар ва ассоциациялар билан дўстлик алоқаларини ўрнатди. Булар қаторига: Жанубий Корея, Америка Қўшма Штатлари, Турция, Болгария, Исроил, Германия, Грузия, Россия Федерацияси ва бошқалар. Айниқса Жанубий Корея мамлакатининг стоматологлар Ассоциацияси ва профессор-ўқитувчилари ҳамда олимлари билан узвий алоқалар ўрнатилди. Бир неча йиллар давомида, 1999 йилдан бошлаб Жанубий Корея стоматолог олимлари стоматология факультети талабалари ва ёш олимлари учун стоматологиянинг долзарб муаммолари бўйича семинарлар, маърузалар ташкил қилганлар. 1996 йилдан энг яхши ва фаол стоматология талабалари «Ян Ю Сик» стипендияси билан тақдирланиб келдилар. Ўзбекистон стоматологлар Ассоциацияси томонидан 1997 йилдан бошлаб энг фаол, аълочи ва ташаббускор талаба учун «Проктер энд Гембл» (Кольгейт) компаниясининг махсус стипендияси жорий этилди.

1991 йилда Тошкент давлат тиббиёт институти иккита мустақил институтларга: 1-ТошТИ (ректор, академик Т.О. Даминов) ва 2-ТошДТИ (ректор, проф. Х.Я. Каримов) бўлинди. Шунда стоматология факультети 1-ТошДавТи институти қошида ўз фаолиятини давом эттирди.

2005 йилга келиб бу икки олийгоҳ бирлаштирилди ва Тошкент Тиббиёт академиясига айлантирилди (ректор, академик Ш.И. Каримов).

2014 йилда ЎЗР Президенти И.А. Каримовнинг “Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида” Қарори эълон қилиниб, унда “Тошкент тиббиёт академиясининг стоматология факультети негизида Тошкент давлат стоматология институтини (ТДСИ) ташкил этилди (Тошкент ш., 2014 йил 22 июль, ПҚ-2215-сон). ТДСИнинг биринчи ректори этиб проф. Н.Л. Хабилов тайинланди. 2015 йилдан т.ф.д., проф. Ж.О. Ризаев ва 2021 йилдан т.ф.д., проф. Н.Қ. Хайдаров стоматология институтига ректори бўлиб ишлаб келмоқда.



Хабитов Н.Л.

Ризаев Ж.О.

Хайларов Н.К.

2014-2015 ўқув йилида Тошкент давлат стоматология институти ташкил этилиши муносабати билан институт қошида 3 та стоматология факультети иш юрита бошлади. Булар: жаррохлик йўналишидаги стоматология факультети, даволаш йўналишидаги стоматология факультети ва болалар йўналишидаги стоматология факультети. Ҳар бир факультет таркибига 7 тадан кафедралар бириктирилди. Жами 21 та кафедрадан 11 таси ихтисослашган стоматология кафедралари ташкил қилинди. Булар: госпиталь терапевтик стоматология (каф. муdiri, проф. Х.П. Камитов), пропедетик (факультатив) терапевтик стоматология (каф. муdiri, проф. О.Е. Бекжанова), юз-жағ жаррохлиги (каф.

муdiri, проф. А.А. Жилонов), травматология ва имплантология (каф. муdiri, доц. Ш.Ш. Кудратов), жаррохлик стоматология (каф. муdiri, проф. Ш.Ю. Абдуллаев), госпиталь ортопедик стоматология (каф. муdiri, проф. Н.Л. Хабитов), факультатив ортопедик стоматология (каф. муdiri, доц. А.Н. Акбаров), ортодонтия ва тишларни протезлаш (каф. муdiri, проф. Р.Н. Нигматов), болалар юз-жағ жаррохлиги (каф. муdiri, проф. Р.А. Амануллаев), болалар профилактик стоматологияси (каф. муdiri, доц. Ш.Б. Даминова ва болалар терапевтик стоматологияси (каф. муdiri, доц. С.С. Муртазаев).

ЎЗР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош стоматологлари бўлиб ишлаганлар (1959-2024):

- | | |
|----------------------|-----------|
| 1. ПАРОДОКСОВ М.В. | 1959-1965 |
| 2. ФРОЛОВА Л.Е. | 1966-1970 |
| 3. МАЗАЛОВА | 1970-1973 |
| 4. ЕПИШЕВ В.А. | 1973-1977 |
| 5. ЗУФАРОВ С.А. | 1978-1985 |
| 6. ЮСУПОВ С.Х. | 1985-2000 |
| 7. АГЗАМХОДЖАЕВ С.С. | 2001-2010 |
| 8. ГАФФОРОВ С.А. | 2010-2011 |
| 9. МАХСУДОВ С.Н. | 2011-2016 |
| 10. РИЗАЕВ Ж.А. | 2017-2020 |
| 11. ХАСАНОВ А.И. | 2021-2023 |
| 12. ГАФФОРОВ С.А. | 2024 |

Республика стоматологлар жамиятининг раислари бўлиб ишлаганлар (1959-1991):

- | | |
|--------------------|-----------|
| 1. ПАРОДОКСОВ В.А. | 1959-1963 |
| 2. ФРОЛОВА Л.Е. | 1963-1968 |
| 3. МИРЯКУБОВ | 1969-1975 |
| 4. ХУДОЯРОВ И.А. | 1975-1983 |
| 5. БЕКМЕТОВ М.В. | 1983-1986 |
| 6. ЕПИШЕВ В.А. | 1986-1991 |

Ўзбекистон стоматологлар Ассоциацияси Президенти бўлиб ишлаганлар (1992-2024):

- | | |
|------------------|-----------|
| 1. ЗУФАРОВ С.А. | 1992-1999 |
| 2. НИГМАТОВ Р.Н. | 2000-2015 |
| 3. ХАСАНОВ А.И. | 2016 |

Тошкент давлат тиббиёт институтининг партком бюро секретари бўлиб ишлаганлар (1959-1991):

- | | |
|--------------------|-----------|
| 1. ЕПИШЕВ В.А. | 1959-1963 |
| 2. ШИЛОВ В.И. | 1963-1965 |
| 3. КУКЛИН Е.В. | 1965-1966 |
| 4. БЕКТАШЕВ С.И. | 1966-1973 |
| 5. РАСУЛОВ У.Р. | 1973-1974 |
| 6. ФАЙЗУЛЛАЕВ Т.Н. | 1974-1975 |
| 7. МАНУИЛОВА А.К. | 1975-1981 |
| 8. АБДУЛЛАЕВ Ш.У. | 1981-1982 |
| 9. ЮСУПОВ Ю.Х. | 1982-1984 |
| 10. АЮБОВ А.А. | 1984-1985 |
| 11. ЗУФАРОВ А.А. | 1985-1987 |
| 12. ХАБИЛОВ Л.Х. | 1987-1988 |
| 13. АЗИЗОВА А.С. | 1988-1991 |

Тошкент давлат тиббиёт институти (1954-2005 йй), Тошкент тиббиёт академияси (2005-2014 йй) ва Тошкент давлат стоматология институти (2014 й)ларда стоматология факультети декани бўлиб ишлаганлар (1954-2024):

- | | |
|------------------------|-----------|
| 1. ХОДЖАЕВ А.Х. | 1954-1955 |
| 2. ПАРДОКСОВ В.М. | 1956-1960 |
| 3. БУСИГИН А.Г. | 1960-1962 |
| 4. СУХАРЕВ Г.Т. | 1962-1963 |
| 5. НУРМУХАМЕДОВ Р.М. | 1963-1964 |
| 6. ЕПИШЕВ В.А. | 1964-1965 |
| 7. ФРОЛОВА Л.Е. | 1965-1966 |
| 8. АШРАПОВА М.А. | 1966-1967 |
| 9. НУРМУХАМЕДОВ Р.М. | 1967-1968 |
| 10. АХМЕДОВ Н.К. | 1969-1972 |
| 11. ХУДОЙБЕРДЫЕВ Р.И. | 1972-1974 |
| 12. НАДЖМУТДИНОВ К.Н. | 1974-1979 |
| 13. ЕПИШЕВ В.А. | 1980-1987 |
| 14. ЗУФАРОВ С.А. | 1987-1989 |
| 15. БАХОДИРОВ Ф.Н. | 1989-1991 |
| 16. МАХКАМОВ Э.У. | 1991-1994 |
| 17. АЗИМОВ М.И. | 1994-1998 |
| 18. ЙУЛДОШХАНОВА О.С. | 1998-2006 |
| 19. ДУСТМУХАМЕДОВ М.З. | 2006-2011 |
| 20. ХАБИЛОВ Н.Л. | 2012-2014 |
| 21. АКБАРОВ А.Н. | 2014-2016 |
| 22. ХАЙДАРОВ Н.К. | 2017-2020 |
| 23. ШОМУРОДОВ Қ.Э. | 2020-2022 |
| 24. ВОХИДОВ У.Н. | 2022-2023 |
| 25. МУҚИМОВ О.С. | 2023-2024 |
| 26. МУРТАЗАЕВ С.С. | 2024 |

**СТОМАТОЛОГИЯ факультетининг мутахассислик кафедралари мудирлари
(ТошДавТИ, ТМА, ТДСИ)**

Жаррохлик стоматология кафедраси (1924)	
Ситковский П.П.	1924-1931
Пародоксов М.В.	1931-1943
Фролова Л.Е.	1956-1963
Мазалова Н.Н.	1966-1974
Пропедевтика жаррохлик стоматология кафедраси (1974-1977)	
Мазалова Н.Н.	1974-1977
Госпиталь жаррохлик стоматология кафедраси (1974-1977)	
Ионнидис Г.П.	1974-1977
Жаррохлик стоматология кафедраси (1977-1986)	
Мазалова Н.Н.	1977-1985
Махкамов Э.У.	1985-1986
Жаррохлик стоматология кафедраси № 1 (1986-2005)	
Махкамов Э.У.	1986-1999
Азимов М.И.	1999-2005
Жаррохлик стоматология кафедраси № 2 (1986-2005)	
Азимов М.И.	1986-1999
Жилонов А.А.	1999-2005
Жаррохлик стоматология кафедраси (2005)	
Жилонов А.А.	2005-2014
Юз-жағ хирургия кафедраси (2014)	
Жилонов А.А.	2014-2019
Шомуродов К.Э.	2020 ҳоз. давргача
Юз-жағ касалликлари ва травматология кафедраси (2014)	
Абдуллаев Ш.Ю.	2014 ҳоз. давргача
Жаррохлик стоматология ва импланталогия кафедраси (2014)	
Кудратов Ш.Ш.	2014-2017
Хасанов Ш.М.	2017-2022
Азимов А.М.	2022 ҳоз. давргача
Терапевтик стоматология кафедраси (1956-2014)	
Бусигин А.Т.	1956-1957
Бусигина М.В.	1957-1966
Епишев В.А.	1966-1991
Зуфаров А.А.	1991-1992
Сафаров Т.Х.	1992-2006
Камитов Х.П.	2007-2014
Пропедевтика терапевтик стоматология кафедраси (1974-1977)	
Епишев В.А.	1974-1977

Факультет терапевтик стоматология кафедраси (2014) Бекжанова О.Е.	(2014) 2014 ҳоз.давргача
Пропедевтика терапевтик стоматология кафедраси (2014) Шукурова У.А.	(2014) 2014 ҳоз.давргача
Ортопедик стоматология кафедраси Бусигин А.Т. Мирякубов М.М.	(1956) 1956-1966 1966-1974
Пропедевтика ортопедик стоматология кафедраси (1974-1977) Мирякубов М.М.	(1974-1977) 1974-1977
Госпиталь ортопедик стоматология кафедраси Зуфаров С.А.	(1974-1977) 1974-1977
Ортопедик стоматология кафедраси Зуфаров С.А.	(1977-1987) 1977-1987
Ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси (1987) Зуфаров С.А. Ирсалиев Х.И. Хабиллов Н.Л.	(1987) 1987-2002 2002-2012 2012-2014
5 курс учун ортопедик стоматология кафедраси Бекматов М.В.	(1987) 1987-2005
Факультет ортопедик стоматология кафедраси Акбаров А.Н.	(2014) 2014 ҳоз.давргача
Госпиталь ортопедик стоматология кафедраси Хабиллов Н.Л.	(2014) 2014 ҳоз.давргача
Ортодонтия ва тишларни протезлаш Нигматов Р.Н.	(2014) 2014 ҳоз.давргача
Пропедевтика ортопедик стоматология кафедраси Салимов О.Р.	(2019) 2019 ҳоз.давргача
Болалар стоматология кафедраси Махкамов Э.У. Иоаннидис Г.П. Махкамов Э.У. Сафаров Т.Х.	(1976) 1976-1978 1978-1985 1985-1986 1986-1993
Болалар жаррохлик стоматология кафедраси Азимов М.И.	(1993) 1993-1995
Болалар терапевтик стоматология кафедраси	(1993-2007)

Адабиётлар рўйхати

1. Альманах Ташкентского Ордена Трудового Красного Знамени Государственного медицинского института (1920-1980 гг.) / Под редакцией С.А. Арипова. Ташкент, "Медицина", УзССР, Навои, 30. – Т. – 1980. – 219 с.
2. Бачило Е. История медицины: конспект лекций. Litres, 2022. – 282 с.
3. Мавлянова Н.Т., Бабаджанов А.С., Нигматов Р.Н. Становление и организация стоматологической помощи в Туркестанской Республике. / Среднеазиатский научно-практический журнал «Стоматологический», 2004, № 3-4 (25-26). – С. 117-118.
4. Нигматов Р.Н. Ортодонтия соҳасининг тарихий саҳифалари. / Монография. Тошкент, Фан. 2023. - 129 б.
5. Рамодин В.А. Великий ученый Средней Азии Ибн Сина (Авиценна) (980-1037). Изд. «Знание». М., 1952. 325 с.
6. Становление зубопротезирования в Туркестанском генерал-губернаторстве (1865-1917 гг.). // Мавлянова Н.Т., Ким А.Л., Нигматов Р.Н., Акилов Т.А. / Российский стоматологический журнал. М., Издательство «Медицина». 2004., № 4. – С.37-38.
7. Становление и развитие зубопротезирования в Центрально-азиатском регионе. // Мавлянова Н.Т., Ким А.Л., Нигматов Р.Н., Акилов Т.А. / Сборник научных работ. Материалы международной научно-практ. конф. "Проблемы современной стоматологии Казахстана" Часть –1. Алматы, 2004. С.-65-70.
8. Стоматология мененжменти ва иктисодиёти асослари. // Ризаев Ж.А., Маматкулов Б.М., Нигматов Р.Н., Тухтаров Б.Е., Мирворисова Л.Е., Нурмаматова К.Ч. / Стоматология ва болалар стоматологияси талабалари учун Ўқув қўлланма (рус ва ўзбек тилида).- Т. 2019. – 203 б.

ТЕРАПЕВТИК СТОМАТОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ ТАРИХИ

Проф. Камитов Хайдар Пазилевич

Терапевтик стоматология кафедраси 1956 йилда ташкил этилган. Терапевтик стоматология кафедрасини Москвадан (Бусыгина М.В., Херсонская Ф.И., Лунёва М.Г.), Киевдан (Епишев В.А., Епишева Л.Р.), Воронеждан (Гончарова Е.И.), Ленинграддан (Шилов В.И.) бир қатор мутахассислар ташкил этишган.

Улар биринчилардан эдилар



Чапдан ўнгга – ассистентлар: М.Г. Лунёва (Москва), В.А.Епишев (Киев), Ф.И.Херсонская (Москва), В.И.Шилов (Ленинград)